



O'zbekiston MATBUOTI

«ПРЕССА УЗБЕКИСТАНА» «PRESS OF UZBEKISTAN»

2008' 5-6



Оммавий ахборот воситалари эркиндири

O'zbekiston matbuoti

«Пресса Узбекистана» «Press of Uzbekistan»

Маънавий-маърифий, илмий-сиёсий журнал • 2008 йил №5-6 (626) • 1918 йилдан нашр этилади

Муассислар:
Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлиги,
Ўзбекистон Миллий
телефрадиокомпанияси,
Ўзбекистон Журналистлари
ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи:
Жаббор РАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:
Хуршид ДҮСТМУҲАМЕДОВ,
Зиёд ЕСЕННОЕВ,
Ўткир ЖЎРАЕВ,
Фолибшер ЗИЯЕВ,
Ҳамид СУЛТОНОВ
(бош муҳаррир ўринбосари),
Мақсад ҚОРИЕВ,
Шерзод ФУЛОМОВ,
Жамолиддин ҲАКИМОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигига 0228-рақам билан
2007 йил 22 январда рўйхатдан
ўтилган.



Манзилимиз:
100129, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 30-үй.
Тел: 244-34-79, 244-32-14.

Навбатчи:
Дилором ҲОТАМОВА
Саҳифаловчи: Азиз БОЙХОН

Оригинал макет «O'zbekiston matbuoti» журнали таҳририятида
тайёрланди.

Индекс 883

Сотувда эркин нарҳда

Қоғоз формати 70×100 1/16. Офсет усулида
босилди. Шартли ранги 7,92. Шартли босма
тобоги 7,74. Нашриёт ҳисоб тобоги 11,8. Тиражи
2000 нусха.



«Ўзбекистон матбуоти» журналхонларига

Азиз ҳамкаслар!

Сиз,
қадрли
журна-
листлар-
ни, телерадио
ходимларини,
ношир ва мат-
баачиларни Янги
— 2009 йил билан
қизгин муборакбод
этамиз. Бу йил Ва-
танимиз тарихида, оммавий
ахборот воситалари ҳаётида унумтилмас воқеа-
ларга бойлиги билан ёрқин из қолдирсан.

Ноширларга Ўзбекистон ва унинг фидоиي халқи
номини дунёга танитадиган китобларни кўпроқ
нашр этилишини тилаб қоламиз.

2009 йил остонасида айтилаётган эзгу
тилаклар, орзу-ниятларнинг рўёбга чиқишига
қанот багишиласин. Ижодларингиз газета
ва журналлар саҳифаларини безаб, ўқишли
китобларга айлансан.

**“O'zbekiston matbuoti”
журнали таҳририяти
жамоаси**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Faafur Fu'lom номидаги НМИУ (100128, Тошкент
шаҳар, Шайхонтоҳур кўчаси, 86-үй)да чоп этилди.
Буюртма №5

Рұхият көнгликларыда

Хайрат түйнуклари

Буюк мутафаккир Навоий ёзади:

Файз күз түтмә риёзатда тешилмай юрагин
Очмайин разваза уй ичра қүёш солмади зав.

Яъни, дарчасиз уй ичидә қүёш нурлари тажаллий қылмаганидек, инсон қалб вужудида ҳам то ҳайрат түйнуклари очилмагунча, унга файёзи ҳақиқиыйдан баҳрамандлик етмайди. Аниқроқ қилиб айтганда, инсон қалб қаъбасини поклаш учун тинимсиз риёзат чекиши, күнгилни дунёвий майлардан бутқул узиб, узлатта олиши керак.

Навоий назарида аслида ҳар бир инсон қалб вужудида тешиклар бўлади, фақат у ғализ парда сабабли зоҳир бўлмайди. Агар инсон доимо ўзликни таниш, борлиқни зикр этиши билан машғул бўлса, бу ғализ пардалар очилиб, шу тешикдан тажаллий бирлиқдан иборат нур таралади ва инсон жисмида сайр қиласи. Бундан инсон ақли ва бошқа тана аъзолар бехад ҳайратланади. Улар мана шу қалб ҳайрат түйнукларидан таралётган нури тажаллийдан батамом хушнудланадилар. Кейин уларда бирорта сарф-харажат на зоҳирда ва на ботинда зоҳир бўлади. Зоро, Ҳожа Аҳрор Валий таъкидлаганидек, «Қачонки Тангри таоло бу бандани боқий қолишини ирода этса, унинг қалбига бир булат юборади. У қалб мана шу нуқтадан кенгайтган нур орасини ўраб олади. Шундан сўнг нур унда акс эта бошлайди. Рух билан аъзолар ҳайратдан ҳалос бўладилар мана шу ёниб йўқ бўлиб кетишидир, мустаҳкам барқарорлиқдир. Демак, мана шу булат ортида расми қолганлиги учун шоҳид бўлиб қолаверади. Тажаллий эса, ҳамиша боқий қолади. Ҳеч қачон бу қалб тешигидан йўқолмайди». Шунинг учун бу түйнук «ҳайрат» (ал-баҳт) деб аталади. Шоир бу ўринда инсон файзи илоҳийга мушарраф бўлиши учун кўнгилни поклашга ва умуман покбозликка ҳаракат қилиши ҳақида баҳс юритади.

Шоир фикрича, файз тушунчасининг маъно қўлами ниҳоятда кенг. Бу сўфиёна истилоҳ мазмун-маъно жиҳатдан, ирфоний ҳақиқатлар сирини очишга доир масалаларни қамраб олади. Дарҳақиқат, файз тасаввуф адабиётида «файзи ақдас», «файзи муқаддас», «файзи раҳмоний», «файзи илоҳий», «важҳи нос» каби турларга ажратилади. Шулардан «важҳи нос»да борлиқда ҳар нарса мавжуд бўлса, ўшанинг зотий тажаллийдан насибаси бўлади. Шу маънода шоир айтганидек арбоби завқдан бўлган ҳар бир инсон «Эй соқий, йўқлик косасидан сафо аҳлига қани?» ёки «Эй соқий, сафосини ол, ифлосни ташла!» («Айюҳа-с-соқий лано даъ мо қадар хуз мо сафо») маъносини ўйлаб, ўзларининг ахлоқларини поклаш мақомида бўлишлари керак. Файзи илоҳийдан нимаики етса, шукр қилиб, риёзат чекишини тарқ этмасликлари энг тўғри йўлдир.

Ҳазрат Навоий талқинига кўра, исломиятдан илгари ўтган яхудий ва насронийлардан бўлган Абдуллоҳ ибн Салом, Ҳабашистон подшохи Нажоший каби айрим тарихий шахслар ҳам илоҳий файз орқали Куръони карим (Муҳаммад а.с.га) нозил бўлганидан хабар топишга, ўзларининг китоблари Таврот ва Инжилдаги Тангри таоло ўзининг охирги пайғамбарини юбориши берасида берган ваъдаси амалга ошганидан шодланиб, Муҳаммад алайҳиссаломга имон келтирган эканлар.

Файз ар ўтдин етар, парvez этиб үл ер тутар,
Чун нағи сари хаёл ичра Нажоший эврулур.

Хуллас Навоий наздида, файз ва ҳайрат тушунчаси ана шундай ирфоний рамз ва маъноларга эга. Шу билан бирга, файз – нафақат ирфоний тушунча, балки улуғларни тўғри йўлидан ташқарига чиқмаслик, ўзликни таниш, юксалиш истеъодига эга бўлиш сирини очувчи маънавий кўпприк ҳамдир. Ана шу боғлиқлик сирини англаган кишигина орифлик мақомига эришади.

Манзар АБДУЛХАЙРОВ,
филология фанлари номзоди